



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 3



ТОШКЕНТ-2022

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариши давлат университети

Махкамova Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Сайнова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети


Толибоева Нодира Одилжоновна
Тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон
тиллари университети

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. Раҳбархон Муртазаева ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ.....	6
2. Дилором Бобожонова ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА ТИББИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ.....	17
3. Баҳодир Эшов ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАР ШАКЛЛАНИШИНИНГ ТАҲЛИЛЛАРИ.....	26
4. Зумрад Раҳмонкулова МАҲМУД АМИН АФАНДИ “ИСТАНБУЛДАН ЎРТА ОСИЁГА САЁҲАТ”.....	34
5. Манзура Аминова ИБН ХОЛДУН ИЛМИЙ МЕРОСИНING ЗАМОНАВИЙ АҲАМИЯТИ.....	41
6. Тўлқин Ахмедов ТУРКИСТОНДА БИРИНЧИ РУС-ТУЗЕМ МАКТАБИ: МАЪМУРИЙ ЭҲТИЁЖ ЁКИ МАДАНИЙ ЯҚИНЛАШУВ ЗАРУРИЯТИ?.....	48
7. Мансур Бойсариев ОЗАРБАЙЖОН ДИАСПОРАСИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМ-ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....	56
8. Фируза Жуманиязова ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАЁТДАГИ ФАОЛЛИГИНИНГ ДАВРИЙ НАШРЛАРДА АКС ЭТТИРИЛИШИ (1941–1945 йиллар).....	64
9. Мухаммаджон Исамиддинов АНТИК ДАВР ЁЗМА МАНБАЛАРИДА САМАРҚАНД ТАРИХИНИНГ ЁРИТИЛИШИ.....	70
10. Баҳыт Кошанов, Хакимбай Отегенов, Гулчехра Ержанова ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТАРИХШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ.....	79
11. Shohruhbek Mamadaliyev TURKISTON SHAHARALARIDA OCHLARGA YORDAM KOMISSIYASI FAOLIYATI TARIXIDAN.....	87
12. Gulnora Maxkamova XX ASR SAMARQAND KASHTALARI: XILLARI, USLUBLARI, ORNAMENT REPERTUARI (SAMARQAND DAVLAT MUZEYI NAMUNALARI MISOLIDA).....	93
13. Уктамжон Мансуров VI – XI АСРЛАР СУҒД ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА ЎРГАНИЛИШИ.....	100
14. Шоназар Матякубов XVI- XVIII- АСРЛАРДА ХИВА ХОНЛИГИ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИНИНГ АСОСИЙ СОҲАЛАРИДАН БИРИ-КУЛОЛЧИЛИК ТУРИ ТАВСИФЛАРИ.....	105

15. Отабек Махмудов «МИЛЛИЙ ТАРИХ» ВА «ТАРИХ ТАЪЛИМИ»ДА «ЖАҲОН ТАРИХИ»НИНГ АҲАМИЯТИ (лотин тилли тарихий манбалар ва замонавий ўзбек илмий адабиётининг қиёсий таҳлили медиєвистик талқинда).....	109
16. Sayyora Mirsoatova, Aхrorbek Muxsidinov O‘ZBEKISTONDA MEZOLIT DAVRI YODGORLIKLARINING O‘RGANILISHI HAQIDA.....	122
17. Зухра Ражабова ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ СИЙМОСИННИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ.....	128
18. Мафтуна Рузикулова ФАРҶОНА ВОДИЙСИНИНГ МЕЛИОРАЦИЯ ВА ИРРИГАЦИЯ ИШЛАРИ ТАРИХИДАН (1950 – 1970).....	134
19. Хасанбой Рахматиллаев ҚАДИМГИ ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ЭТНИК ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА.....	139
20. Lutfiya Salomova AVSTRALIYA MILLIY ARXIVI FAOLIYATI HAQIDA.....	144
21. Наргиза Сейтимбетова ҚОРАҚАЛПОҶИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОЗОҚ МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗИ.....	148
22. Shaxnoza Tursunova O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING BENILYUKS DAVLATLARI BILAN XALQARO MUNOSABATLARINI RETROSPEKTIV TAHLILINING AYRIM JIHATLARI.....	156
23. Икромжон Умаров КЎҲИТАНГТОҶ ҚИШЛОҚЛАРИНИНГ ҲУДУД БЎЙЛАБ ЖОЙЛАШУВ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АҲОЛИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ.....	161
24. Ма’мура Umarxodjayeva, Zilola Shodmonxo`jayeva, Nodira Xasanova O‘ZBEKISTON TARIXI DAVLAT MUZEYINING NOYOB XAZINASIDAN.....	174
25. Санъат Худайбергенов ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	178
26. Ҳабиба Ҳасанова 1917-1924 ЙИЛЛАРДА ТУРКИСТОН МИНТАҚАСИДА БОСМАХОНАЛАРНИНГ ТЕХНИК ҲОЛАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	186
27. Ра’но Qodirova 1936-1937 YILLARDA O'ZBEKISTON SSR MAKTABLARIDA TARIX FANINING O‘RGANILISHI (M.Asimov hisobot materiallari asosida).....	192


28. Қосим Қосимов ШАРҚИЙ БУХОРОДА ҚИЗИЛ АРМИЯГА ҚАРШИ МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТЛАРИ.....	196
29. Ислон Қаршиев МУТАФАККИР СЎФИ ОЛЛОЁР ҚАРАШЛАРИДА ТАСАВВУФИЙ ҒОЯЛАР ТАҲЛИЛИ.....	203
30. Гулжаҳон Шайдуллаева ХАРАППА МАДАНИЯТИ ЁДГОРЛИКЛАРИДАН ТОПИЛГАН ОКС ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА ХОС БЎЛГАН МОДДИЙ МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИДА МАДАНИЙ ВА САВДО АЛОҚАЛАРИ.....	209
31. Fotima Shirinova, Zumrad Kosimova XX ASRNING 20-30-YILLARIDA SOVET HOKIMIYATINING O'ZBEKISTONDA YURITGAN SIYOSATI, UNING MONIYATI VA OQIBATLARI. SIYOSIY QATAG'ONLIK.....	222
32. Юлдаш Юлдашев ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ АРХИВИ 555-ФОНДИНИНГ АРХИВ МАНБАШУНОСЛИГИ ТАҲЛИЛИ.....	230
33. Акмал Якубов ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ТАШҚИ САВДО МУНОСАБАТЛАРИ (Дашти қипчоқ мисолида).....	237
34. Акмал Якубов ХИВА ХОНЛИГИ ВА ҚОЗОҚ ЖУЗЛАРИ (ўтроқ ва кўчманчилар ўзаро алоқларининг негизлари).....	246
35. Лазизахон Алиджанова ДИНИЙ ТАЪЛИМОТЛАРДА ТИББИЁТГА ОИД ИЖТИМОИЙ ҚОИДАЛАР ТАҲЛИЛИ.....	256
36. Дилрабо Қурбанова ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК СИЁСАТИ.....	264
37. Камола Саипова УРУШ ДАВРИДАГИ ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ БАҒРИКЕНГЛИК КЎРСАТИШИ.....	274
38. Аҳадулла Рахматуллаев ТУРКИСТОНДАГИ МАҲАЛЛИЙ ЎЛКАШУНОС ВА КОЛЛЕКЦИОНЕРЛАР ФАОЛИЯТИ.....	280
39. Азамат Ктайбеков ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАР (2000-2016).....	288
40. Гулнора Худойберганава “АСКЕТИЗМ” ТУШУНЧАСИ ВА ДИНЛАРДА АСКЕТИК АМАЛИЁТЛАРГА МУНОСАБАТНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	293



Лазизахон Аббасовна Алиджанова,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси ўқитувчиси
lazizaxontiu@mail.ru

ДИНИЙ ТАЪЛИМОТЛАРДА ТИББИЁТГА ОИД ИЖТИМОЙ ҚОИДАЛАР ТАҲЛИЛИ

For citation: Lazizakhon A. Alijanova, ANALYSIS OF SOCIAL RULES ABOUT MEDICINE IN THE TEACHINGS OF RELIGIONS. Look to the past. 2022, Special issue 3, pp.256-263

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7500952>

АННОТАЦИЯ

Ижтимоий борлиқнинг инъикоси бўлган ижтимоий онг қадим замонлардан инсон онгининг ривожланишига қараб, диний, фалсафий ва мифологик шаклларда намоён бўлган. Жамиятнинг маънавий ҳаётига оид бўлган бу соҳалар (ахлоқ, дин, санъат, фан, фалсафа, сиёсат, ҳуқуқ) фалсафий дунёқарашнинг методологик асоси бўлган ижтимоий борлиқнинг барча компонентлар билан бир қаторда ижтимоий тузилмаларга, муносабатлар тизими ва амалиётга эга бўлган дин таркибида диний онг, ибодат, маросимлар, диний ташкилотлар каби элементлар сифатида кўринади.

Президент Шавкат Мирзиёев сўзларига кўра, бугунги замоннинг ўзи тиббиёт тизимининг конституциявий асосларини янада мустаҳкамлашни талаб этмоқда. «Шунинг учун Асосий қонунимизда миллий соғлиқни сақлаш тизимини аҳоли саломатлигини сифат жиҳатидан яхшилашга хизмат қиладиган юксак малакали замонавий соҳага айлантириш масаласи ҳам, ҳеч шубҳасиз, тўғридан-тўғри амал қиладиган конституциявий қоида сифатида ўз ифодасини топиши зарур».

Калит сўзлар: дин, тиббиёт, тиббун набавий, биоэтика, христианлик, ислом, Библия, Қуръон, ҳадис, касаллик, шифо.

Лазизахон Аббасовна Алиджанова,
Международная исламская академия Узбекистана, преподаватель,
lazizaxontiu@mail.ru

АНАЛИЗ СОЦИАЛЬНЫХ ПРАВИЛ О МЕДИЦИНЕ В УЧЕНИЯХ РЕЛИГИЙ

АННОТАЦИЯ

Общественное сознание, являющееся отражением общественного бытия, с древнейших времен проявлялось в религиозных, философских и мифологических формах в зависимости от развития человеческого сознания. Эти области, связанные с духовной жизнью общества (этика, религия, искусство, наука, философия, политика, право), составляют методологическую основу философского мировоззрения, вместе со всеми составляющими

общественного бытия, как части религии, имеющую социальную структуру, система отношений и практики, религиозное сознание, культ, выступают в качестве таких элементов, как обряды, религиозные организации.

По словам Президента Шавката Мирзиёева, сегодняшнее время требует дальнейшего укрепления конституционных основ медицинской системы: «Поэтому в нашем Основном законе вопрос о превращении отечественной системы здравоохранения в высококвалифицированную современную отрасль, служащую повышению качества здоровья населения, несомненно, должен быть выражен в виде прямо действующей конституционной нормы».

Ключевые слова: религия, медицина, Тиббун Набави, биоэтика, христианство, ислам, Библия, Коран, хадис, болезнь, исцеление.

Lazizakhon A. Alijanova,

International Islamic Academy of Uzbekistan, teacher
lazizaxontiu@mail.ru

ANALYSIS OF SOCIAL RULES ABOUT MEDICINE IN THE TEACHINGS OF RELIGIONS

ABSTRACT

Social consciousness, which is a reflection of social life, has manifested itself in religious, philosophical and mythological forms since ancient times, depending on the development of human consciousness. These areas associated with the spiritual life of society (ethics, religion, art, science, philosophy, politics, law) constitute the methodological basis of the philosophical worldview, together with all the components of social life, as part of religion, which has a social structure, a system of relations and practices, religious consciousness, cult, act as elements such as rituals, religious organizations.

According to President Shavkat Mirziyoyev, today's time requires further strengthening of the constitutional foundations of the medical system: "Therefore, in our Basic Law, the issue of turning the domestic healthcare system into a highly qualified modern industry that serves to improve the quality of public health should undoubtedly be expressed in the form of a directly applicable constitutional norm".

Index Terms: religion, medicine, Tibbun Nabawi, bioethics, Christianity, Islam, Bible, Koran, hadith, disease, healing.

1. Долзарблиги:

Жаҳонда содир бўлаётган глобал жараёнлар инсоннинг рухий ва жисмоний саломатлиги масаласига уйғун ҳолда ёндашувни талаб этмоқда. Замонавий тиббиёт амалиётида диний таълимотларга асосланган тиббий-рухий муолажалар орқали мавжуд муаммоларга ечим топиш мумкин. Жаҳон динларидан ҳисобланган христианлик ва ислом таълимоти кўп мингйиллик тарих давомида инсоннинг нафақат маънавий, балки тиббий саломатлиги масаласини ҳам тартибга солиш бўйича кўрсатмалар ишлаб чиққан ва уларни ҳаётга татбиқ қилиб келмоқда. 2019 йил дунёда юз берган COVID-19 билан боғлиқ пандемия шароитида тиббий муолажа билан биргаликда рухий-психологик даволаш жараёнларининг оммалашуви диний тиббиёт аҳамиятини оширди. Шу жиҳатдан уларнинг инсон саломатлиги масалаларига доир эътиқодий-ижтимоий асосларини ўрганиш долзарб аҳамият касб этади.

Дунёнинг илмий марказларида дин ва тиббиёт муносабати соҳаларидаги манбаларни чуқур ўрганиш ва асл моҳиятини очишга эътибор қаратилмоқда. Бу турдаги тадқиқотлар дин ва тиббиётнинг профессионал ва фанлараро ҳамкорлиги билан алоқадор тенденциялар бўйича ғояларни илгари сурмоқда. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ғарб ва Шарқда тиббиётнинг диний асоси, унинг вужудга келишида диний қарашларнинг аҳамияти, муқаддас матнлардаги инсон жисмоний саломатлиги юзасидан кўрсатмаларнинг замонавий тиббиётда исботланиши, бу борадаги ихтироларнинг Библия китоблари, Қуръон оятлари ва ҳадисларда

акс этганлиги тўғрисидаги илмий тадқиқотлар юзага кела бошлади. Шу нуқтаи назардан динларда тиббий масалаларнинг эътиқодий-ижтимоий асосларининг ўзига хос жиҳатларини очиб бериш шу соҳадаги тадқиқотларнинг илмий доираси кенгайишига хизмат қилади.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг [2] **88-мақсадида: Пандемияларга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини ошириш каби йўналиш ва мақсадларда белгиланган** таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, аҳоли саломатлигини сақлаш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш йўналишидаги вазифаларнинг бажарилиши натижасида қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, буюк уламоларнинг бой илмий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Халқ табобати илмий-амалий маркази, Халқ табобати академияси фаолиятини қўллаб-қувватлаш, “Тиббун Набавий” жанридаги китоблар илмий-изоҳли таржималарининг нашр қилиниши назарда тутилган. Бинобарин, тиббиёт билан бирга диншунослик соҳасига ҳам етарлича аҳамият қаратилган. Ўзбекистон Республикаси аҳолиси, хусусан ёшларнинг соғлом турмуш тарзини ривожлантиришда диний кадрлардан кенг фойдаланиш диннинг ижтимоий асосларини тамойил ва қоидаларини ижтимоий-фалсафа нуқтаи назаридан чуқур таҳлил қилишни тақозо этади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақолада тарихийлик ва мантиқийлик, қиёсий-назарий ва фалсафий таҳлил, тизимли, комплекс ёндашув ва бошқа илмий билиш усулларидадан фойдаланилди.

Ислом дини ва тиббиёт масалаларининг узвий боғлиқ жиҳатлари, “тиббун Набавий” жанри бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, илмий изланишларнинг ҳар бири масаланинг маълум жиҳатларини ўз ичига олган. Мусулмон жамиятидаги илк шифохоналар тарихи бўйича Муҳаммад ал-Ансорийнинг изланишлари аҳамиятли бўлса, исломда биоэтика масалалари бўйича В.Мамадалиев ва С.Мусаевнинг “Ислом ва биоэтика” асари шу соҳа бўйича қилинган муҳим тақиқот ишларидан ҳисобланади. Шунингдек, тадқиқотчилардан Ф.Ҳамида, З.Мухамедова, А.Аксеки ва И.Каримов ушбу масалани ўрганган. Ислом ва тиббиётнинг ўзаро алоқалари, уларнинг тарихи бўйича Али ибн Ризвон, В.Булло, М.Долс, С.Гонсалес, М.Марти, П.Порман, Ф.Раҳман ва М.Улманнинг илмий тадқиқот ва асарлари кейинги ишлар учун асос бўлиб хизмат қилади [3].

3. Тадқиқот натижалари:

Тиббиёт соҳаси ҳам назария ва амалиётни ўз ичига олиб, инсоният саломатлиги муҳофазасида туради. Тиббиёт неча минг йиллар дин “оғушида” ривожланган эди. XVII-XVIII асрга келиб дунё бўйлаб фанда дифференциация жараёни, яъни илм соҳаларининг турли тармоқларга бўлиниб ривожланиш жараёни бормоқда. Бу даврга келиб дин ва замонавий илм-фаннинг ажралиши натижасида, Ғарбда тиббиёт ва диннинг муштарак жиҳатлари йўқола борди. Асосий эътибор соф илмий тиббиётга қаратилди. XIX аср охири – XX аср бошида, асосан Ғарбда тиббиётда маълум бир даражада эркинлик бўлди, бироқ муаммонинг янги кирраси пайдо бўлди.

Христианлик ва ислом дини шунчаки диний таълимот бўлмай, улар кундалик ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олган ва ижтимоий-маданий, ахлоқий-маиший, тиббий-руҳий нормаларни белгилаб берадиган эътиқодий турмуш тарзи ҳисобланади. Шунингдек, тиббиёт ҳам дин таъсиридан холи бўлмаган, шу сабабли христиан ва ислом уламолари ҳамда тиббиёт ходимлари илоҳиётшунослик ва даволаш усуллари муштарак ҳолда ўрганганлар.

Маълумки, фалсафанинг сабаб ва оқибат, моҳият ва ҳодиса каби категориялари тиббиётда жуда муҳим аҳамиятга эга. Зотан, касалликнинг асл сабабларини аниқламай туриб, тўғри ташхис қўйиш жуда мушкул. Ташхис тўғри қўйилмаган ҳолатда муолажанинг оқибатлари ҳам кутилмаган бўлиши табиий. Касаллик сабаблари ҳақидаги ғоялар турли диний муқаддас матнларда ҳам қайд этилган. Библиянинг Қадимги Аҳд қисмида касалликлар ва уларнинг келиб чиқиш тўғрисида ўзига хос йўл тутган. Тавротга киритилган Экклезиаст китобида (Ecclesiasticus- 1.Ecclesiasticus – черковга оид (scriptores Hier), 2. Ecclesiasticus – черков ишларини бошқариш, шунингдек, бен-Сира(х)нинг бевосита Исодан ёзиб олган Библия

китобларидан бирининг номи) 38 та гуноҳ банданинг касалланиши, жазога йўлиқиши, оғрик ва азоб-укубатда қолишига сабаб бўлади, деб белгиланган [4].

Христианларнинг муқаддас китоби Инжил ҳам бу масалада тахминан шундай йўл тутган. Насроний илоҳиётчилар касалликнинг асосий сабаби – ахлоқий гуноҳ учун берилаётган илоҳий жазо, деб талқин қилганлар. Христианлик таълимоти дин доирасида тиббиёт ҳамда шифокорлар қанчалик зарурлик, деган масалани ўртага ташлаган. Христианликда одам қачон шифокорга мурожаат қилиши кераклиги аниқ бўлмаган, чунки Қадимги Аҳд (Таврот) “нажот учун азоб-укубатлар керак”, деган фикрга асосланган эди [5]. Бу каби нажот ва азоб-укубат муносабати Янги Аҳд (Инжил)да ҳам давом этган. Шу сабабли азоб-укубатлар нажот топиш учун зарур бўлса, азобларни енгиллаштириш учун шифокор чақириш қанчалик даркор, деган масала ўртага чиқади. Шунингдек, христиан эътиқоди бўйича Худо қудратли ва меҳрибондир, шу сабабли касал бўлган христиан унинг даволанишига ёрдам берадиган тиббиёт ходимига муҳтожлик жамиятнинг муаммоси сифатида қўйилган. Августин Худога эътиқод ва тиббиётга нисбатан ишончнинг киноявий хулосасини куйидагича келтиради: “Эй, худо! Менга ўлим юбор, менинг кунларимни тезлаштир, деб илтижо қиламиз, аммо хасталик келганда дарров югуриб-еламиз, шифокорлар олиб келамиз, пул ва мукофотлар ваъда қиламиз” [6].

Христианлик касалликдан сақланиш, гигиена каби жисмоний саломатликдан кўра, ибодат орқали руҳнинг соғлиғига кўпроқ эътибор қаратган. Бироқ чўмилиш, тиш гигиенаси ва касалликнинг тарқалишини олдини олувчи – мпгтьпотя, тозалик Европадаги христианлар учун устувор вазифа ҳисобланмаган, ҳатто, баъзи ҳолларда бундан қайтарилган. Христианликнинг муқаддас китоби Янги Аҳд – Евангелие (Хушхабар) да келтирилишича, Иисус Христос апостоллари (ҳаворийлари) ҳожатга кириб чиққандан сўнг қўлларини ювмаган, ифлос қўл билан нон еганлар. Фарисейлар бундан ҳайрон бўлиб, Иисусдан сўрашганда, "Инсон танасига кирган ҳеч қандай нарса уни ҳаром қилмайди. Инсон қалбидан чиққан нажас уни ҳаром қилади" [7], деган. Инсон қалбининг поклиги зарур, албатта, лекин нима учун тананинг поклигини унга қарши қўйилгани тушунарсиз.

Исломда фарз қилинган беш маҳал намоз – беш маҳал таҳоратни тақозо этади. Бирон-бир озодатабиат овропалик бир кунда беш маҳал ювинмайди. Ваҳоланки. Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЮНИСЕФ) маълумотида кўра, 2015 йили 300 мингдан зиёд беш ёшгача бўлган гўдаклар тоза сув танқислиги ва санитария-гигиена шарт-шароитлари ёмон бўлгани боис инфекцияли касалликлардан вафот этган. Ушбу ташкилотнинг расмий вакили Кристоф Бульерак бундай деди: “Биз болаларни, ота-оналарни, оила ва жамоаларни эпидемия тарқалмаслиги учун албатта қўлларини совун билан ювишга даъват этамиз” [8].

Ўрта асрларнинг Черков Кенгашлари христиан шифокорларига жохиллик, бепарволик ёки тажриба-синов орқали бемор ва диндорларга зарар етказиш гуноҳ деб белгилаб қўйилган. Ўрта асрларнинг христиан шифокори учун даволаниш бу меъёрда овқатланиш ва режимга мослашиш, шу жумладан, дам олиш, жисмоний машқлар ва мусиқа терапияси каби тинчлантирувчи машғулотлар билан бошланган. Христиан жамиятида шамоллаш, йўтал ва бош оғриғи каби тез-тез учрайдиган шикоятларни даволовчи усуллар ўсимлик воситалари бирикмаси ва малҳам каби ташқи даволаш муолажалари ҳисобланган. Христианликдаги даволанишга доир диний омиллар билан боғлиқ жараёнлар тадқиқ этилган.

Ўрта асрларда тиббиёт ва илоҳиётнинг ўзаро таъсири асосларидан яна бири – бу тана ва қалбнинг икки алоҳида нарса сифатида олинганидир. Черков тарихчилари турли табиблар томонидан қўлланиладиган тиббиётнинг иккита алоҳида тури ҳақида ёзишган. Олий даражадагиси руҳ учун дори ҳисобланган ва руҳонийлар томонидан таъминланган, тиббиёт ходимлари эса тана учун пастроқ даражадаги дори-дармонларни тавсия қилганлар. Шу сабабли Ўрта асрларда касалликларга нисбатан тиббий ёки маънавий ёндошув ўртасида вужуд ва руҳни даволовчилар бир-бирини тўлдириб келишган, бироқ ўртада аниқ чегара бўлмаганлиги сабабли уларда баъзи ноаниқликлар юзага келган.

Ўрта асрларда дин ва тиббиётнинг ўзаро алоқаси бедаво, узоқ муддатли ва безовта қилувчи бузилишлари мавжуд касалликларни бошқариш жараёнида яққол кўриниб турган.

Христианлик ва исломда мохов, рухий касал ва жисмоний ногиронларни қабул қилиш, якка ҳолда ва хайрия қилишнинг турли шакллари орқали ижтимоий даволаш ва уларга ғамхўрлик қилишда бир-биридан фарқ қилиши манба ва адабиётлар (Biller and Ziegler, ed. Religion and Medicine in the Middle Ages, Rubin, Medieval English Medicine, Biller and Ziegler, ed. Religion and Medicine in the Middle Ages, Biller and Ziegler, ed. Religion and Medicine in the Middle Ages) асосида тадқиқ қилинган.

Исломгача бўлган Ўрта Шарқ аҳолиси фақат Искандария, Эдесса ва Константинопол каби бир неча йирик шаҳарлар билан бирга кўчманчи бадавийлар ҳам бўлган. Ушбу жамиятларга хос араб шеъриясида танани даволаш ва маънавий етуклик тўғрисида фикрлар оғзаки равишда етказилган. XV аср ислом тарихчиси Ибн Халдун ўзининг Муқаддима асарида шундай ёзган: “Маданиятли бадавийлар асосан индивидуал тажрибага асосланган тиббиёт турига эга. Улар ундан қандай фойдаланиш усуллари қабиланинг кекса эркак ва аёлларидан мерос қилиб оладилар”[9]. Араб бадавий қабилаларининг бу каби ўзига хос тиббиёти тажрибада ўрганиб чиқилмаган бўлиши мумкин, аммо у анатомияда ўз натижасини кўрсатган. Қадимги араб шеъриясида жигар, юрак, қора талок, ошқозон ва ичак каби муҳим ички органлар, шунингдек касаллик номлари зикр этилган [10]. Исломдан олдинги бадавийлар бу маълум касалликлар ёки дардларнинг номларини билишлари кўпинча кейинчалик ислом келганидан сўнг Тибб ан-Набавийда пайдо бўлган даволаниш усуллари билан уйғун бўлган.

Араб бадавийлари маданиятидан ташқари араб дунёсининг марказлашган жойлашуви ислом тиббиётига алоҳида таъсир кўрсатган. Савдо йўллари, шунингдек, Осиё билан алоқалар мусулмон аҳолисига тиббий билим ва дори-дармонларни етказиб беришга имкон берган. Исломдан олдинги Шарқ империялари ва маданияти тиббий таъсирга эга бўлиб, ислом тиббиёти уларни қисман қабул қилган. Миср, Месопотамия, Ҳиндистон, Ҳитой ва қадимги Эрон тиббиёти юнон таъсиридан фарқли ўлароқ жарроҳлик ва гиёҳлар билан даволашга эътибор қаратган[11]. Сосонийлар империяси, Зардуштийлик эътиқодчилари ва христианлар Сосонийлар ҳукмронлиги даврида ўзларининг тиббий анъаналарини яратиб, уларга юнон асарларнинг паҳлавий таржималари ва кейинчалик ислом манбалари таржималари ҳам киритилган [12].

Қуръони каримда тиббий амалиёт ёки шифокорнинг жамиятдаги ўрни ҳақида батафсил маълумот берилмаган, бироқ уларнинг бошқаларга ғамхўрлик қилиши ва хайрия қилишнинг диний мақсадлари белгилаб берилган. Қуръонда инсон ҳаёти тўғрисида жуда кўп саволлар муҳокама қилинган, инсон соғлиғи учун фойдали маҳсулотлар ва қоидалар берилган бўлсада, аниқ касалликка қарши дори воситалари ҳақида айтилмаган. Аммо, Муҳаммад(с.а.в.)нинг ҳадис ва суннатларида кўплаб касалликлар профилактикаси ва даволаш усуллари, шунингдек, шифокорлар ва беморларга қандай маслаҳат берилганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Ушбу мавзулар ҳадис тўпламларининг “Тиб китоби” бўлимида жой олган. Шу билан бирга кейинчалик “Тибб ан-Набавий” деб номланган тиббиёт жанри юзага келиб, ҳар бир касаллик типологияга ажратилди, унинг келиб чиқиши, профилактикаси ва даволаш йўллари ҳадислар ва суннат орқали асослаб берилган ҳамда диний-фалсафий жиҳатдан шарҳланган. Шу билан бирга тарихчилар томонидан Тибб ан-Набавий билан боғлиқ муаммолар манбалари таҳлилий ўрганилган. Натижада, Тибб ан-Набавий соғлиқни сақлаш ва даволаш учун энг муҳим қўлланма сифатида эътироф этилган [13].

Ҳадисларда кўп ўринда таъкидланган кундалик ҳаёт учун зарурий қоидалар, тозалик ва гигиена тиббий профилактиканинг асосини ташкил қилган. Тибб ан-Набавий араб ва юнон манбаларига асосланиб, ғайритабиий юнон тиббиёти деб қаралган тушунчаларга қарши туриш учун ишлатилган [14]. Тибб ан-Набавий асарларида ҳадислардан ташқари суннатга яқин бўлган тиббий масалалар, мисол учун минимал жарроҳлик муолажалар ҳам бўлиб, жуда оз миқдордаги инвазив усуллар, қон олдириш ёки банка қўйиш каби тиббий муолажаларнинг таърифи берилган. Парҳезни тартибга солишнинг профилактик ҳаракатлари, шунингдек, табиий дорилар, гиёҳлар даволаш билан биргаликда соғлиқ учун асос сифатида тавсифланган [15].

Термизий ривоят қилган ҳадисда "Усома ибн Шарик розияллоху анху айтадилар: Аъробийлар: эй Расулуллоҳ, даволанмайликми?, деб сўрадилар. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам жавоб бердилар: "Ҳа, даволанинглар! Зеро, Аллоҳ қандай касаллик туширган бўлса, албатта, унинг шифосини ҳам нозил қилган. Магар битта касалликнинг давоси йўқ". Саҳобийлар сўрадилар: эй Расулуллоҳ, у (давоси йўқ касаллик) нима? Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: "Кексалик!" дедилар [16]", деб марҳамат қилинади. Ушбу ҳадисда ислом эътиқодидида шифо Аллоҳдан эканлигини жуда аниқ ифода этилади ва инсоннинг тиббиёт билан алоқаси муҳимлигини таъкидлади. Бундан ташқари, Абу Бакр Раби ибн Аҳмад ал-Ахвини ал-Бухорий ўзининг "Талабалар учун қўлланма"сида тиббиётнинг илоҳиётшуносликка тааллуқли аҳамияти тўғрисида шундай ёзган: «Мутафаккирлар шариатни ўрганиш ҳар бир инсоннинг зиммасида эканлигини таъкидлашади, инсон шариатни билса, у адашишдан сақланади. Иккинчидан, у ўз саломатлигини сақлаб қолиш ва касалланмаслиги учун ҳам баъзи дори-дармонларни билиши керак»[17]. Бу таълимот Тибб ан-Набавийда ҳам зикр қилиниб, ислом тиббиётига шу асосда пойдевор қўйилди.

Ўрта асрларда ислом ижтимоий ҳаётда устунлик қилганидек, юнон тиббиёт асарлари Ўрта аср тиббиёт фанининг асосини белгилаб берди. Ислом тиббиёти қадимги юнон тиббиётини шариат қонунларига мослаштирган ҳолда юқори чўққига олиб чиқди. Манфред Уллман шундай деб ёзади: "Ислом тиббиёти араб тупроғида вужудга келмаган. Аксинча, бу милодий IX асрдан бошлаб Ўрта ер денгизи жануби ва ғарбий қисмида араб тилида шаклланган кейинги Юнон осори-атиқалари асосида шаклланган"[18].

IX-XI асрларга келиб мусулмон мамлакатларида тибб илми ўзининг энг юқори чўққисига эришди. Абу Али ибн Синонинг тиббиёт соҳасида эришган натижалари ҳам у томонидан ёзиб қолдирилган илмий адабиётлар кейинчалик бутун дунёда, хусусан Ғарбий Европа университетларида бирламчи манба сифатида қабул қилинди. Ибн Синонинг "Ал-қонун фит тиб" ("Тибб қонунлари") асари 1473 йилда Европанинг Милан шаҳрида нашр этилган. 1500 йилга қадар ушбу асар ўн олти марта чоп этилган эди.

865 йилда Техрон яқинидаги шаҳарчада туғилган мусулмон табиб Абу Бакр Муҳаммад ибн Закарийя Розийнинг "ал-Мансурий", "ал-Ҳовий", "Буръус соъа" ва каби 230 тага яқин китоблари ҳам тибб соҳасида катта муваффақиятларга эришган. Розийнинг "Тиббул фуқаро" асари 1498-1866 йиллар оралиғида қирқ марта нашр қилинган.

Тадқиқотчи Лобар Асророванинг "Абу Ҳафс Кабир Бухорий ва ҳанафий фикҳи" асарида келишича, VIII асрдан бошлаб мусулмон мамлакатларида табиблар учун зарур бўлган турли жарроҳлик асбоблари – нозик кесувчи наштарлар (скалпел), жарроҳликдан сўнг яра, ичак ва териларни тикиш ниналари, газак олмаслиги учун қайта ишлашда керакли дорилар турли усулларда тайёрланган.

Ушбу давр оралиғида ислом олами ренессансига мусулмон табиб уламолари, энциклопедист олимлар ўзларининг катта ҳиссаларини қўшдилар. Хусусан, ибн Рушднинг "ал-Куллиёт", Ҳунайн ибн Исҳоқнинг "Эсоғучи", Али ибн Аббоснинг "Китоб ал-Малакий", ибн ал-Жаззорнинг "Зодул мусофир", ибн Жазланинг "Тақвиймул Абдон", Абул Қосим аз-Заҳровийнинг "Ат-тасрийф лиман ажаза анит таълийф", ибн аз-Заҳрнинг "Ат-тайсир фил мудовоти ват-Тадбийр" каби тиббиёт илмига бағишланган асарлари қомусий асарлар сирасига киради [19]. XIII асрнинг бошида яшаб ўтган ибн Абу Усайбиъа ўзининг "Уйюнул анбаа фии тобақати атиббаа" ("Табиблар табақалари ҳақида хабарлар булоғи") асарида IX-XII асрларда яшаб, ижод этган 399 та мусулмон табибларнинг фаолияти ва асарлари ҳақида маълумот беради.

4. Хулосалар:

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, IX-XI асрларда Шарқнинг Искандария, Бағдод, Дамашк, Қоҳира каби йирик шаҳарларида кутубхоналар, дорихона ва мактаблар барпо этилди. Бағдодда ташкил этилган Байтул ҳикмада "Мажлисул уламо" (Олимлар жамияти) ташкил қилиниб, унда Шарқ тиббиётига оид илмий асарлар рационал хулосаларни олиш учун яратилди ҳамда бошқа тиббиётга оид манбалар таржима қилинди. Абу Юсуф ибн Исҳоқ Киндийнинг (800-879) тиббиётга оид 30 та асари, Ҳунайн ибн Исҳоқнинг (810-873) юздан зиёд

асарлари, Гиппократ ҳамда Гален асарларининг таржималари, Ғарбда Абдукаси номи билан танилган, ибн Сино замондоши машҳур хирург Абул Қосим аз-Заҳравийнинг 30 жилдли “Қитоб ат-Тасриф”, Абу Бакр Муҳаммад ибн Закарийе Розийнинг (865-925) тиббиётга оид 106 асари, 30 жилдли “Ал-Жомеъ ал-Кабир ва қод урифа бил-Ховий” асарлари ушбу марказда ёзилди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Мирзиёев Ш.М. Тиббиёт ходимлари билан очиқ мулоқот. 2022 йил 18 март. // <https://www.gazeta.uz/uz/2022/03/18/constitution/>
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида". 2022 йил 28 январь. // <https://lex.uz/docs/5841063>
3. Akseki A.H. Ahlak İlmi ve İslam Ahlakı. Ankara: Nur yayımları,1991; Alī ibn Riḏwān, Michael W. Dols, and ‘Ādil Sulaymān Jamāl. Medieval Islamic Medicine: Ibn Riḏwān's Treatise, "On the Prevention of Bodily Ills in Egypt." – Berkeley: University of California Press, 1984; Bullough V. L. Universities, Medicine and Science in the Medieval West. Burlington: Ashford, 2004; Dols M.W. “Leprosy in Medieval Arabic Medicine.” Journal of the History of Medicine and Allied Sciences 34, no. 3 (1979): 314-333, The Madman In Islamic Society. Edited by Diana E. Immisch. Oxford: Clarendon Press, 1992; Gonzalez C.J. The Canon of Medicine of Avicenna. New York: AMS Press, 1973; Кəримов Ё. Tibbi etikanın və bioetikanın qarşılıqlı münasibətlərinin təhlili // Fəls. Doktoru dissertasiyanın avtoreferatı. Bakı-2010; Marty M. and Kenneth L.V., ed. Health/Medicine and the Faith Traditions: An Inquiry Into Religion and Medicine. Philadelphia: Fortress Press, 1982; Мəммəдəлиев V. Qafqaz Məsəlmanları İdarəsi sədrinin birinci müavini Müfti Hacı Salman Musayev. İslam və bioetika. Bakı – 2017; Mustafa al-Ansari. Bīmāristāns and waqf in islam case studies of hospital endowments during 9 th -13th century CE in the muslim world. Department of Arabic and Islamic Studies Faculty of Arts and Social Sciences The University of Sydney; Pormann P.E., ed. Islamic Medical and Scientific Tradition: Critical Concepts in Islamic Studies. London: Routledge, 2011; Rahman F. Health and Medicine in the Islamic Tradition. New York: The Crossroad Publishing Company, 1987; Ullmann M. Islamic Medicine. Edinburgh: Edinburgh University Press, 1978. Мухамедова З.М. Исламская биоэтика в историческом аспекте // Сайт Ташкентской Медицинской Академии: www.rnam.uzsci.net; Факхер Бен Хамида. Мусульманская мораль, медицина и биотехнологии // Сайт Российского Комитета по биоэтике при UNESCO. 2009;
4. Biller and Ziegler, ed. Religion and Medicine in the Middle Ages, P. 39.
5. Marty and Vaux, ed. Health/Medicine and the Faith Traditions, P. 6.
6. Saint Augustine, Bishop of Hippo and William G. Most, Saint Augustine's De Civitate Dei: Selections with Notes and Vocabulary. Washington: Catholic Education Press, 1949. Book X; XX.
7. Марқдан келтирилган Хушхабар, 7-боб, 15-оят.
8. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти янгиликлари. <https://news.un.org/ru/story/2016/10/1293561>
9. Ибн Халдун. Муқаддима: Тарихга кириш. Франц Розенталь томонидан таржима қилинган (Лондон: Роутлидж ва К. Пол, 1958), 150.
10. Манфред Уллманн, Ислом тиббиёти (Эдинбург: Эдинбург Университети Нашриёти, 1978), 2.
11. Питер Э. Порманн ва Эмили Саваж-Смит. Ўрта аср Ислом тиббиёти (Эдинбург: Эдинбург Университети Нашриёти, 2007), 23.
12. Питер Э. Порманн ва Эмили Саваж-Смит. Ўрта аср Ислом тиббиёти (Эдинбург: Эдинбург Университети Нашриёти, 2007), 16.
13. Питер Э. Порманн ва Эмили Саваж-Смит. Ўрта аср Ислом тиббиёти (Эдинбург: Эдинбург Университети Нашриёти, 2007), 7.

14. Уллманн. Ислом тиббиёти. –Б.5.
15. В.Ҳенри. Ўрта асрлар орқали қадимги даврда саломатлик ва соғлом турмуш. –Б.55.
16. Раҳмон. Ислом анъаналарида саломатлик ва тиббиёт. –Б.34.
17. Раҳмон. Ислом анъаналарида саломатлик ва тиббиёт. –Б.39.
18. Уллманн. Ислом тиббиёти, XI.
19. Арзикулов С. Расулуллоҳ алайҳиссалом табобати. – Тошкент: Имом Бухорий халқаро маркази, 2019. –Б.116.

ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 3

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000